

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К.60.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЖИМАТОВ МАХСАДБЕК МУЙДИНОВИЧ

**ФЕРРОЦЕН ВА АМИГДАЛИН ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДА
БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР СИНТЕЗИ ҲАМДА УЛАРНИ
СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of dissertation doctor of science

Хожиматов Махсадбек Муйдинович Ферроцен ва амигдалин ҳосилалари асосида биологик фаол моддалар синтези ҳамда уларни синфлаш	3
Хожиматов Махсадбек Муйдинович Синтез биологически активных веществ на основе производных ферроцена и амигдалина а также их классификация	29
Khojimatov Maxsadbek Muysinovich Synthesis of biologically active substances based on ferrocene and amygdalin derivatives and their classification	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К.60.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЖИМАТОВ МАХСАДБЕК МУЙДИНОВИЧ

**ФЕРРОЦЕН ВА АМИГДАЛИН ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДА
БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР СИНТЕЗИ ҲАМДА УЛАРНИ
СИНФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/K103 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Асқаров Иброҳим Раҳмонович**
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Махсумов Абдухамид Гафурович**
кимё фанлари доктори, профессор;
Мадиханов Нematжон
кимё фанлари доктори, профессор.
Каримқулов Қурбонқул Мавлонқулович
техника фанлари доктори, профессор,

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация химояси Андижон давлат университети хузуридаги DSc.03/29.10.2021.К.60.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “09” XII соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100 Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99877)223 88 30, факс:(99874) 223 84

Диссертацияси билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99877) 223 88 30, факс : (99874) 223 84 33) e-mail: abshax@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил “26” XI кuni тарқатилди.
(2021 йил “__” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



Х.Исақов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, тех.ф.д., профессор

М.М.Мўминжонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.ф.д.

Ш.В.Абдуллаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда илмий техника тараққиётининг жадал ривожланиши, табиий ва антропоген омиллар озиқ-овқат маҳсулотларининг асоси бўлган ўсимликларнинг ривожланиши ва ҳосилдорлигига ўзининг салбий таъсирини ўтказиб бериши ушбу соҳадаги муаммолардан биридир. Шу билан бирга, аҳоли сонининг кескин ортиб бораётганлиги ўсимлик табиий ресурслари ва улардан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ўсимликларни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини оширувчи, биологик фаол, экологик тоза биостимуляторлар синтез қилиш ҳамда амалиётга жорий этиш мазкур соҳадаги муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги амалиётида бугунги кунда ўсимликларни униши, комплекс ривожланиши ва ҳосилдорлигига самарали таъсир этувчи янги турдаги препаратлардан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб берилмоқда. Бу борада, биопарчаланувчан ва экологик тоза биологик фаол моддаларни янги турларини, жумладан, биологик таъсири кенг, безарарлиги билан бошқа биостимуляторлардан ажралиб турувчи, таркибида ферроцен, амигдалин, метилолмочевина ва уларнинг ҳосилаларини сақловчи бирикмалар синтез қилиш, табиий манбаларни модификациялаш яъни таркибида амигдалин ва ферроцен ҳосилалари сақловчи янги биологик фаол бирикмалар олиш, уларни лаборатория ва дала амалиёти синовларидан ўтказиш, ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кимё саноатини янада ривожлантиришга жумладан, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган агрокимё соҳасига алоҳида эътибор берилиб, амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида айрим металлорганик бирикмалар асосида биологик фаол моддалар олиш ва уларни амалиётга жорий этишда муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни жорий этиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий шароитда етиштириладиган амигдалин сақловчи табиий ресурсларни аниқлаш, уларни ажратиб олиш усулларини такомиллаштириш ва ферроцен билан модификациялаш асосида янги биологик фаол моддалар синтез қилиш ҳамда олинган бирикмаларни кимёвий таркиби бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада риволантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тегишли синфларга ажратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сон ««Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида», 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Ферроцен ва амигдалин ҳосилалари синтезига йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида, жумладан Department of Chemistry, Tulane University (АҚШ), Department of Chemistry, McGill University (Канада), Technische Universität Chemnitz, Faculty of Natural Sciences, Institute of Chemistry (Германия), Centro de Química Estrutural, Instituto Superior Técnico, Universidade de Lisboa (Португалия), Bialystok University of Technology, Faculty of Civil Engineering and Environmental Sciences, Department of Chemistry (Польша), Россия фанлар академияси А.Н. Несмеянов номидаги Элементоорганик бирикмалар кимёси институти, Украина Миллий ФА Физикавий кимё институти, Молдова Республикаси ФА Кимё институти, Department of Chemistry, Faculty of Science, Taif University (Саудия Арабистони), Institute of Food & Physical Field Processing, School of Food Engineering and Nutrition Sciences, Shaanxi Normal University (Хитой), School of Chemical Sciences National Institute of Science Education and Research (Ҳиндистон), Тожикистон миллий университети, Ўзбекистон Республикаси ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти ва Биоорганик кимё институтида олиб борилмоқда.

Ферроцен ва амигдалиннинг ҳосилаларини синтез қилишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: жумладан, ферроценнинг моно- ва диалмашинган ароматик ҳосилалари олиниб, айрим физик-кимёвий ҳоссалари аниқланган (Department of Chemistry, Tulane University, АҚШ), ферроценкарбон кислота ва ферроценфенол ҳосилаларининг айрим тузлари олинган (Department of

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.tu.edu.sa>; <https://english.snnu.edu.cn/>; <https://pb.edu.pl/>; <https://www.upv.es>; <https://unibuc.ro>; <https://sse.tulane.edu/chem>; <https://ineos.ac.ru>; <https://www.tu-chemnitz.de>; <https://www.mcgill.ca/> ва бошқа мабалар асосида ишлаб чиқилган.

Chemistry, McGill University, Канада), ферроценнинг моно-, ди- ва полиалмашинган алифатик ўринбосарлар тутган ҳосилалари синтез қилинган (Technische Universitat Chemnitz, Faculty of Natural Sciences, Institute of Chemistry, Германия); ферроценнинг айрим ароматик ҳосилаларининг физик-кимёвий хоссалари аниқланган (Россия ФА Элементоорганик бирикмалар кимёси институти); амигдалинни табиий манбалардан ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилган (Department of Chemistry, Faculty of Science, Taif University, Саудия Арабистони), моно- ва диалмашинган ферроценбензой кислоталарнинг ишқорий металллар билан тузлари синтез қилинган, ҳамда уларнинг биологик фаолликлари аниқланган (Тожикистон миллий университети), айрим ферроценбензой кислоталарнинг пропаргил спирти билан ҳосилалари синтез қилинган (Ўзбекистон Республикаси ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти).

Дунёда ферроцен ва амигдалин асосида биологик фаол препаратлар олиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, ферроценбензой кислоталарининг моно-, ди-, полиалмашинган ароматик, алифатик ҳосилаларини синтез қилиш ва физик-кимёвий хоссалари ҳамда биологик фаолликларини аниқлаш; табиий манбалардан амигдалинни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқиш, ажратиб олинган амигдалинни ферроценбензой кислоталари билан мураккаб эфирларини синтез қилиш; олинган бирикмалар асосида қишлоқ хўжалиги экинларини униши ва комплекс ривожланишига ижобий таъсир этувчи, ҳамда ҳосилдорлигини оширувчи янги турдаги биостимуляторлар олиш, уларни кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолиятдаги товарлар номенклатураси бўйича синфлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ферроцен ҳосилалари устида бир қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. А.Н.Несмеянов, Н.С.Кочеткова, Э.Г.Перевалова, В.А.Сергеев, В.Д.Вильчевская, С.А.Шлётль, Л.Асатиани, Е.А.Коленников, Я.М.Паушкин, Р.Б.Вудворд каби олимлар ферроценнинг алифатик, ароматик ҳосилаларини синтез қилдилар.

Ферроцен ҳосилалари устида ўзбек кимёгар олимлари ҳам бир қанча тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализаторлар кимё фанлари доктори, профессорлар А.Ғ.Маҳсумов, И.Р.Асқаров ва уларнинг шогирдлари; кимё фанлари доктори Х.Исақов, кимё фанлари номзодлари, доцентлар Т.Насриддинов, С.Каримов, Ш.М.Қирғизов, А.М.Жўраев, кимё фанлари бўйича фалсафа докторлари Қ.Қ.Отахонов, Ф.С.Абдугаппаров, О.Ш.Абдуллаев, М.М.Мўминжоновлар ҳам бу борада диққатга сазовор ишларни амалга оширганлар. Амигдалин ҳосилалари Л.Шарма, А. Мажид, А.Адам, А.И.Данчук, Е.И.Селифонова, Р.К.Чернова, С.Ю.Доронин, Е.Родригез, Е.Арая, К.Блиард, Г.Масито, А.Латер, каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Ферроценни алифатик ва ароматик ҳосилалари синтези ҳамда метилолмочевина, тиомочевина асосида олинган биологик фаол моддалар ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда келтирилган, лекин таркибида

ферроцен ва амигдалин ҳосилаларини сақловчи бирикмалар синтези амалга оширилмаган ва улар кимёвий таркиби бўйича синфланмаган. Шунинг учун, таркибида ферроцен ва амигдалин ҳосилаларини сақловчи бирикмалар синтез қилиш, хоссаларини физик-кимёвий усулларда аниқлаш, кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича тегишли код рақамлари бериш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети “Ферроцен ва амигдалин ҳосилалари асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш” илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *o*-, *m*-, *p*-ферроценбензой кислоталар ва *n*-ферроценфенолнинг монометилолтиомочевина, монометилолмочевина ва амигдалин билан янги турдаги биологик фаол ҳосилаларини, ҳамда амигдалиннинг айрим металл ионлари билан комплекс бирикмаларини синтез қилиш, уларни физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, уларни кимёвий таркиби асосида синфлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ферроцен ва амигдалин асосида янги биологик фаол бирикмалар синтез қилиш;

синтез қилинган бирикмаларнинг айрим физикавий хоссалари, таркиби ва тузилишини масс-спектрометрия, ИҚ-спектроскопия, ЯМР-спектроскопия усуллари ёрдамида таҳлил қилиш;

амигдалиннинг айрим металл ионлари билан комплекс бирикмаларини олиш;

синтез қилинган бирикмалардан биологик фаоллиги юқори бўлган моддаларни аниқлаш ҳамда лаборатория ва дала амалиёти синовларидан ўтказиш;

ферроцен ва амигдалин ҳосилалари асосида синтез қилинган бирикмалар учун кимёвий таркиби асосида ҳалқаро код рақамлари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ферроценбензой кислоталарининг монометилолтиомочевина, монометилолмочевина, амигдалинлар билан моноалмашинган ҳосилалари ҳамда уларни қишлоқ хўжалиги экинларига биостимуляторлик таъсири олинган.

Тадқиқотнинг предметини ферроцен, амигдалин, монометилолмочевина ва монометилолтиомочевина ҳосилалари асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш ва уларни кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда юпқа қатламли ва колонкали хроматография, ИҚ- спектроскопия ва масс-спектрометрия, элемент анализи, ЯМР-спектроскопия ҳамда биологик фаолликни аниқлаш усулларидан

фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ферроцен ва амигдалин ҳамда уларнинг ҳосилалари асосида янги биологик фаол бирикмалар синтез қилинган;

n-ферроценилфенол, *m*-ферроценилбензой кислотасини метилолмочевина, монометилолтиомочевина билан ҳосилалари diazotirlash реакцияси натижасида турли ҳил эритувчиларда ҳосил бўлиши аниқланган;

таркибида ферроцен ва амигдалин ҳосилалари сақловчи биологик фаол моддаларни кимёвий таркиби ва физикавий хоссалари аниқланган;

синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини чигитнинг униб чиқиши, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига ижобий таъсири исботланган;

амигдалин асосида Cr(III), Fe(III), Cu(II), Co(II) ионлари билан комплекс бирикмалари олинган;

ферроцен ва амигдалин ҳосилалари асосида синтез қилинган бирикмалар учун кимёвий таркиби асосида ҳалқаро код рақамлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ферроцен ва амигдалин ҳосилаларидан ташкил топган ва экинлар ҳосилдорлигини оширувчи АДУМАХ, АсХА-1, Фер-АХ, АСХОАК биостимуляторлари яратилган;

амигдалин асосида Cr(III), Fe(III), Cu(II), Co(II) ионлари билан комплекс бирикмалари олинган ҳамда уларнинг биологик фаолликлари аниқланган;

таркибида ферроцен ва амигдалин ҳосилалари тутган бирикмалар кимёвий таркиби асосида синфланган ҳамда уларга тегишли код рақамлари тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган моддаларни юпқа қатламли ва колонкали хроматография усулларида ажратиб олиниб, элемент анализи, ИҚ-, ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия ва квант-кимёвий усуллари асосида таркиби ва тузилишини аниқланганлиги, уларнинг биостимуляторлик хоссаларини етакчи илмий-тадқиқот институтлари томонидан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари фаолиятига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ферроценбензой кислоталар ва *n*-ферроценфенолнинг diazotirlash реакцияси бўйича монометилолтиомочевина, монометилолмочевина, ҳамда амигдалин билан синтез қилинган янги ҳосилалари асосида биологик фаолликка эга бўлган бирикмалар олиш йўллари таклиф этилганлиги, шунингдек, амигдалиннинг айрим металл ионлари билан комплекс бирикмалари олинганлиги, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, айрим бирикмаларни биостимуляторлик хоссалари аниқланганлиги билан

изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган ферроценбензой кислоталар ва *n*-ферроценилфенолнинг монометилолтиомочевина, монометилолмочевина, ҳамда амигдалин тутган баъзи янги ҳосилалари қишлоқ хўжалиги экинларини униши ва комплекс ривожланишини тезлатиш, ҳамда ҳосилдорлигини ошириш хусусиятига эга эканлиги, янги синтез қилинган биологик фаол бирикмаларнинг кимёвий таркиби аниқланиб, уларга ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тегишли халқаро код рақамлари ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ферроценбензой кислоталар ва *n*-ферроценфенолнинг монометилолтиомочевина, монометилолмочевина, амигдалин билан ҳосилаларини ҳамда амигдалиннинг айрим металл ионлари билан комплекс тузларини синтез қилиш, уларнинг биологик фаолликка эга бўлганларини синфлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“*m*-Ферроценилбензой кислотаси ва тиомочевина асосида ғўзани ўстирувчи хусусиятини намоён қилувчи стимулятори” учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент олинган (№IAP 06173, 2020 й.). Натижада, биостимулятор билан ишлов берилган ғўза майдонларидан гектаридан кўшимча 4,9 ц ҳосил олиш имконини берган;

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича “амигдалиннинг темир, хром, мис ионлари асосида олинган бирикмалари” учун 2938 90 900 2 код рақами ишлаб чиқилган ва божхона амалиётида қўллаш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 07 январдаги 1/16-007-сон маълумотномаси). Натижада, амигдалиннинг металл ионлари билан ҳосил қилган бирикмаларини кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган;

ферроцен ва амигдалин асосида синтез қилинган «АДУМАХ, АсХА-1, Фер-АХ, АСХОАК» биостимуляторлар 2018-2020 йиллар давомида Андижон ва Фарғона вилоятларидаги жами 561 гектар ғўза майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 02/025-1019-сон маълумотномаси). Натижада, ғўза ўсимлигининг комплекс ривожланишини кучайтириш имконини берган;

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича ферроцен ва амигдалин ҳосилалари асосида олинган биостимуляторлар учун 3808 93 900 4 код рақами ишлаб чиқилган ва давлат божхона амалиётида қўллаш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 07 январдаги 1/16-006-сон маълумотномаси). Натижада, таркибида ферроцен ва амигдалин сақловчи биологик фаол бирикмаларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 23 та, жумладан 12 та халқаро ва 11 та Республика илмий-амалий

анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола Республика ва 5 та мақола хорижий журналларда нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан АДУМАХ биостимулятори учун патент берилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 184 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ферроцен, амигдалин ҳамда уларнинг ҳосилалари(адабиётлар таҳлили)”** деб номланган биринчи бобида ферроцен ва амигдалин ҳосилалари устида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритиб берилган. Ушбу бирикмаларнинг реакция тенгламалари ва шароитлари, кимёвий хоссалари, ишлатилиши ҳамда аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Ферроцен ва амигдалиннинг айрим ҳосилаларини олиш ҳамда уларни тузилишини таҳлил қилиш (натижалар муҳокамаси)”** деб номланган иккинчи бобида ферроцен, *n*-ферроценилфенол, *o*-, *m*-, *n*-ферроценилбензой кислоталарининг амигдалин, монометилолмочевина, монометилолтиомочевина, диметилолмочевина, метилендимочевина каби бирикмалар билан ҳосилалари синтез қилинди. Шунингдек, амигдалиннинг Cr(III), Fe(III), Cu(II), Co(II) ионлари билан комплекс бирикмалари олинган. Олинган бирикмаларнинг тузилиши, кимёвий таркиби ҳамда уларнинг биологик фаолликларини ўрганиш бўйича натижалар муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда амигдалинни таъсир этиш механизмини аниқлаш бўйича қатор муваффақиятларга эришилди. Тадқиқотлар натижасида амигдалиннинг кўплаб органлар фаолиятига ижобий таъсир этиши аниқланган.

Ушбу тадқиқот ишини бажариш давомида амигдалинни ажратиб олиш усуллари такомиллаштирилди, *n*-ферроценилбензой, *m*-ферроценилбензой

ва *o*-ферроценилбензой кислоталарини синтези амалга оширилди. Синтез қилинган бирикмаларнинг амигдалин билан мураккаб эфирлари олинди.

Амигдалин аччиқ бодом, шафтоли, ўрик, олхўри, олма ва гилос каби ўсимликларнинг майдалаган данак мағизларини этил спиртида экстракция қилиш орқали олинади. Экстракция қилиш орқали амигдалин ажратиб олишнинг бир нечта усуллари мавжуд бўлиб, биз томонимиздан амигдалинни аччиқ бодомдан ажратиб олиш усуллари ўрганиб чиқилди. Аччиқ бодом таркибида 2-4 % гача амигдалин моддаси мавжуд бўлиб ушбу тадқиқот доирасида тажрибада ажратиб олишнинг 4 та усули ўрганиб чиқилди. Шунингдек, амигдалин ажратиб олишнинг янги усули таклиф этилди. Ажратиб олинган амигдалин моддаси оқ тусли кристалл модда бўлиб, суюқланиш температураси 215 °С га тенг.



1-расм. Ажратиб олинган амигдалиннинг ИК спектри.


Ушбу бирикманинг ИҚ-спектрларини таҳлил қилиш орқали қуйидаги маълумотлар аниқланди: 698 cm^{-1} соҳадаги интенсив ютилишлар моноалмашган бензол ҳалқа ва 1454 cm^{-1} даги деформацион (δ_{CH}) тебранишлар ароматик ҳалқа, 2164 cm^{-1} интенсивлиги паст чўққилар амигдалин структурасида CN гуруҳ борлигини исботлайди. Шунингдек, 889 cm^{-1} даги чўққи углеродларнинг валент (ν_{CC}) тебранишларига, 1004 cm^{-1} соҳадасиги ютилиш бирламчи спирт таркибидаги O–H гуруҳ валент тебранишларига мос эканлигини англатади (1-расм).

Амигдалиннинг адабиётда келтирилган ИҚ спектрига таққосланганда биз томонимиздан ажратиб олинган амигдалинга мос эканлигини кўриш мумкин. 704 cm^{-1} соҳадаги интенсив ютилишлар моноалмашган бензол ҳалқа ва 1454 cm^{-1} даги деформацион (δ_{CH}) тебранишлар ароматик ҳалқа, 2160 cm^{-1} интенсивлиги паст чўққилар амигдалин структурасида CN гуруҳ борлигини,

909 cm^{-1} даги чўкки углеродларнинг валент (ν_{CC}) тебранишларига, 1016 cm^{-1} соҳадасиги ютилиш бирламчи спирт таркибидаги O–H гуруҳ валент тебранишларига мос эканлигини юқоридаги фикримизни исботлайди.


Аччиқ бодомдан ажратиб олинган амигдалиннинг ^{13}C ЯМР спектри ўрганилганда: $\delta = 61.384$ (C-7'), 68.920 (CH-CN), 69.963 (C-7), 70.568 (C-5'), 73.519 (C-5'), 73.994 (C-3), 74.645 (C-3'), 76.529 (C-6), 77.427 (C-4'), 77.554 (C-6'), 77.663 (C-4), 102.118 (C-2), 103.478 (C-2'), 119.201 (CN), 128.419 (Ar-орто), 130.011 (Ar-мета), 131.141 (Ar-пара) ва 133.115 (Ar-C-CHCN) сигналлар намоён бўлди. ^{13}C ЯМР спектрида амигдалиннинг 18 та углерод атомлари учун сигналлар кузатилди.

Khojimatov_XM-1
13C_D2O+acetone_07092021_600MHz




2-расм. Амигдалиннинг ^{13}C ЯМР спектри.

Амигдалин молекуласи хусусиятларини квант-кимёвий ҳисоблаш орқали ўрганиш. Амигдалинни янги ҳосилалари олишда реакцион марказларни аниқлаш учун квант-кимёвий ҳисоблашлар асосида реакцияга киришувчи ҳар бир реагентнинг ва реакция маҳсулотларининг умумий энергия қийматлари Gaussian 98 дастурида ҳисоблаб чиқилди. Бундан ташқари ҳар бир реагентларнинг молекуляр тузилиши оптималлаштирилиб, атомларда зарядлар тақсимооти ҳамда геометрик катталиқлар - боғ узунлиги, тартиби, валент бурчаклар ва торсион бурчаклар ҳисобланди (3-расм).



3-расм. Амигдалин молекуласининг квант кимёвий ҳисобланган энг мақбул структураси ва атомлардаги зарядлар тақсимоти.


5-гидроксил гуруҳнинг юқори реакцион қобилиятини молекуланинг фазовий жойлашишида бу гуруҳнинг оддий боғ атрофида конформацион айланишлари, ҳамда бошқа гуруҳларга нисбатан реагентнинг осон яқинлашиши билан тушунтирилади.



Амигдалинни *m*-ферроценилбензой кислотасининг билан реакцияси. Юқорида таъкидлаб ўтилган квант-кимёвий ҳисоблаш методидан фойдаланган ҳолда, *m*-ферроценилбензой кислота ва амигдалин орасидаги реакцияси маҳсулоти ([[(6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил) нинг тузилишини энергетик жиҳатдан асослаш натижалари келтирилган. Адабиётларда *n*-ферроценилбензой кислотанинг амигдалин билан реакцияси ва маҳсулоти ҳосиласининг тузилиши келтирилган. Шу асосда *m*-ферроценилбензой кислотанинг ҳам амигдалин билан реакцияси орқали олинган маҳсулот ([[(6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси](фенил)ацетонитрил)нинг мумкин бўлган барча изомерларининг

структуралари тузилди. Ушбу изомерлар структураларнинг схемалари 4-расмда берилган.

Маҳсулот ([[(6-O-β-D-глюкопиранозил-4-O-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил)нинг тузилиши қайси изомерга мос эканлигини аниқлаш мақсадида, мумкин бўлган **1, 2, 3, 4, 5, 6** ва **7** изомерларнинг оптималлаштирилган структураларини Ҳартри энергиялари ($E_{\text{Ҳартм.}}$) “Gaussian 98” дастурлар пакети DFT/B3LYP гибрид методи 3-21G базисини қўллаган ҳолда ҳисоблаб топилиб, улар орасидаги фарқлар (ΔE) аниқланди. Ҳисоблаш натижалари 1-жалвалда келтирилган.




4-расм. ([[(6-O-β-D-глюкопиранозил-4-O-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил)нинг мумкин бўлган **1, 2, 3, 4, 5, 6**, ва **7** изомерлари моделлари

([(6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси](фенил) ацетонитрил)нинг мумкин бўлган изомерларини оптималаштирилган структураларининг Хартри энергиялари ва улар орасидаги фарқлар.

Модда	Алмашинган гидроксил гуруҳлари	$E_{\text{Хартри}}, \text{кЖ/мол}$	$\Delta E, (\text{кЖ})$
([(6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(<i>m</i> -ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил)	1	-2231908,780	0
	2	-2231695,743	-213,3534
	3	-2232162,187	-253,4442
	4	-2232166,022	-257,2791
	5	-2231576,162	-332,5803
	6	-2232163,040	-175,7028
	7	-2232163,209	-254,4663

Ҳисоблаш натижалари ([6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил) окси] (фенил) ацетонитрил)нинг **1, 2, 3, 4, 5, 6** ва **7** изомерлари орасидан **5** нинг энергияси бошқаларга нисбатан сезиларли даражада кичик эканлигини кўрсатди. Демак, натижалари ([6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил)окси] (фенил)ацетонитрил)нинг **5** изомери бошқаларга нисбатан энергетик жиҳатдан термодинамик барқарор. Шу нуқтаи-назардан *m*-ферроценилбензой кислотанинг амигдалин билан реакциясининг асосий маҳсулоти, тузилиш жиҳатдан **5** структурага мос келади деб хулоса қилиш мумкин.

***m*-Ферроценилбензой кислота билан амигдалин ҳосилаларининг тузилишини ИҚ-спектроскопик тадқиқи.** Тадқиқ этилувчи бирикмаларнинг ИҚ-спектридаги ютилиш соҳаларини молекуладаги муайян тебранишларга тегишли эканлигини аниқлаш учун изотоп алмашинув, паст температурали ёки бошқа методлардан фойдаланмасдан амалга ошириш қийин. Шу сабабдан, моддаларнинг ИҚ-спектрдаги ютилиш чизиқларини тегишли тебранишларга мослигини аниқлаш мақсадида келтирилган маълумотлардан ва айни молекуланинг тебраниш спектрини квант-механик ҳисоблаб топилган натижаларни таққослаш усулидан фойдаландик. Тадқиқ этилувчи моддалар молекулаларининг назарий тебраниш спектрларини ҳисоблаш Gaussian 98 дастурида DFT/B3LYP методининг 6-311G(2d) базисида амалган оширилди. ([6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил)окси](фенил)ацетонитрил)нинг ИҚ-спектри 5-расмда кўрсатилган. 2-жадвалда эса, ушбу бирикманинг ИҚ-спектридаги тажрибада кузатилган ютилиш чўққилари тўлқин сони қийматлари молекуладаги тегишли тебранишлар учун квант-кимёвий ҳисобланган ютилиш соҳалари максимуми тўлқин сони қийматларига таққосланган.



5-расм. ([[(6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил)окси](фенил)ацетонитрил)нинг ИК спектри.

2-жадвалдаги натижаларнинг таҳлилидан бирикманинг тажрибада ўлчанган ИҚ-спектридаги ютилиш соҳалари чўққиларининг тўлқин сонлари қийматлари биз тахмин қилган тузилишли молекула учун квант-кимёвий ҳисобланган қийматларга тўла мос келиши маълум бўлди. Бирикманинг ИҚ-спектридаги 761 см⁻¹ соҳасидаги ютилишлар бензол халқасига, текисликдан ташқари елпиғичсимон (ρ_{CH}) 1454 см⁻¹, 1539 см⁻¹ даги чўққилар халқа текислиги бўйлаб елпиғичсимон (β_{CH}) ва 668 см⁻¹ даги ютилиш чўққилари халқанинг деформацион (δ_{CCC}) тебранишларига, 1652 см⁻¹ даги интенсивлиги кучли чўққи халқадаги углеродларнинг валент (ν_{CC}) тебранишларини ифодалайди. Циклопентадиенил халқасининг (β_{CH}) тебраниши алмашинган халқада 1081 см⁻¹, 1239 см⁻¹ ва 1454 см⁻¹ соҳада кузатилади. Циклопентадиенил халқасининг деформацион тебраниши (δ_{CCC}) алмашинмаган халқада 891 см⁻¹, алмашинган халқада эса 940 см⁻¹ соҳада намоён бўлади. Углерод атомларининг валент тебраниши (ν_{CC}) алмашинган ва алмашинмаган халқаларда ўртача интенсивликга эга бўлиб, мос равишда 1110 см⁻¹, 1139 см⁻¹ соҳада жойлашган. Карбоксил гуруҳга хос бўлган, (δ_{CO_2}) тебранишлари мос равишда 668 см⁻¹ ва (δ_{CON}) тебранишлари 1239 см⁻¹ соҳаларда ютилиш чизиқларини беради. О–Н гуруҳ валент тебраниши 3344 см⁻¹ да кенг ютилиш чизиғини ҳосил қилади.

Янги синтез қилинган модданинг спектридаги ютилиш чўққилари тўлқин сонларини унинг мумкин бўлган турли изомерларидаги тебранишлари учун ҳисобланган тўлқин сонларга таққослаш, амалда ҳосил бўлган бирикмани молекуляр тузилиши **5** структурага мос эканлигини тасдиқлайди. Чунки, модданинг тажрибада аниқланган ютилиш соҳалари **5** структура учун ҳисобланган ИҚ спектридаги ютилиш чўққиларига **1, 2, 3, 4, 6** ва **7** ларга нисбатан энг яқин. Айниқса, ([[(6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил)окси](фенил)ацетонитрил)нинг ўлчанган ИҚ спектрида 890 см⁻¹ ($\nu_{s(CCC)}(C_p)$) соҳадаги ютилиш чўққисининг


мавжудлиги **5** изомерга мос бўлиб (891 см^{-1}), молекулада алмашинмаган циклопентадиенил ҳалқаси борлигини кўрсатади.

2-Жадвал.

([(6-О-β-D-глюкопиранозил-4-О-(*m*-ферроценил-бензоил)β-D-глюкопиранозил)окси] (фенил)ацетонитрил)нинг ИҚ- спектрида тажрибада кузатилган чўққилар тўлқин сони ва молекула турли изомерларининг тегишли тебранишига мос келувчи ютилиш соҳаси максимуми тўлқин сонининг ҳисобланган қийматлари, см^{-1} .

№	Тебраниш тури	Ютилиш соҳаси максимуми тўлқин сони, см^{-1}							Ўлчанган
		Ҳисобланган							
		1	2	3	4	5	6	7	
1.	(δ_{CCC})	654	660	671	670	666	661	669	668
2.	(ρ_{CH})	752	756	768	766	759	751	770	761
3.	(δ_{CCC})	883	895	889	890	890	895	890	891
4.	(δ_{CCC})	934	932	948	931	938	932	950	940
5.	(β_{CH})	1075	1076	1078	1085	1079	1076	1082	1081
6.	(ν_{CC})	1102	1116	1112	1107	1108	1100	1111	1110
7.	(ν_{CC})	1130	1137	1137	1142	1136	1132	1136	1139
8.	(β_{CH})	1231	1230	1238	1239	1237	1233	1238	1239
9.	(β_{CH})	1450	1451	1457	1453	1453	1452	1459	1454
10.	(β_{CH})	1531	1532	1540	1542	1537	1533	1540	1539
11.	(ν_{CC})	1650	1648	1635	1637	1654	1656	1635	1652
12.	(ν_{CC})	1745	1740	1756	1765	1749	1742	1759	1748
13.	$\nu_{\text{s}}(\text{CH})$	2929	2921	2970	2967	2927	2929	2990	2925
14.	(ν_{OH})	3394	3386	3390	3377	3342	3346	3349	3344

Демак, *m*-ферроценилбензой кислотаси амигдалин молекуласидаги 5 гидроксил гуруҳга бириккан. Демак реакция куйидаги схема асосида амалга оширган:



Синтез қилинган *m*-ферроценбензой кислоталарининг амигдалин билан ҳосилаларини эквивалент массаларини аниқлашда Mettler Toledo Easy pH автоматик титраторидан фойдаланилди. Маҳсулотларни потенциометрик титрлаш натижалари 3-жадвалда келтирилган. ([[(6-О-β-D-глюкопиранозил-4-


О-(*m*-ферроценил-бензоил) β -D-глюкопиранозил)окси] (фенил) ацетонитрил) ни титрлаш натижалари асосида аниқланган эквивалент массалари назарий ҳисобланган қийматларга нисбатан хатолиги 0,9 % дан ошмаслиги маълум бўлди. Бу моддаларнинг тозалигига ва тажрибанинг ишончли эканлигидан далолат беради.

3-жадвал

([(6-O- β -D-глюкопиранозил-4-O-(*m*-ферроценил-бензоил) β -D-глюкопиранозил)окси] (фенил) ацетонитрил) билан ҳосилаларининг айрим физик-кимёвий кўрсаткичлари

Номи	Брутто формула	$t_{\text{суюк}}, ^\circ\text{C}$	Эквивалент моляр масса, г/моль		Темирнинг микдори, %	
			Ҳис.	Топ.	Ҳис.	Топ.
([(6-O- β -D-глюкопиранозил-4-O-(<i>m</i> -ферроценил-бензоил) β -D-глюкопиранозил)окси] (фенил) ацетонитрил)	$\text{C}_{37}\text{H}_{39}\text{O}_{12}\text{NFe}$	150-151	745	744,3	7,49	7,48

([(6-O- β -D-глюкопиранозил-4-O-(*o*, *m*, *p*-ферроценил-бензоил) β -D-глюкопиранозил)окси] (фенил) ацетонитрил) ларнинг молекуляр массалари масс-спектрометрия усулида ўрганилди.




6-расм. [(6-O- β -D-глюкопиранозил-4-O-(*m*-ферроценил-бензоил) β -D-глюкопиранозил)окси] (фенил) ацетонитрил)масс - спектри.

1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроценилтиоамид.

m-Ферроценилбензой кислотасининг монометилолтиомочевина билан реакциялари натижасида ҳосил бўлган аралашма колонкали хроматография усули билан бир-биридан ажратиб олинди. Бирикмани кўшимча моддалардан тозалаш мақсадида маҳсулотни гексан-диэтилэфир 1:4 нисбатдаги эритмасидан элюент сифатида фойдаланиб хроматография қилинди. Бунда


колонка баландлиги 30 см, диаметри 2,5 см бўлган шиша найга жойланган адсорбент- алюминий оксид (50-150 мкм), хроматографик устунчадан 4 соат давомида ўтказилди.

Реакция схемаси қуйидагича:




Синтез қилиниб олинган 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилокси-ферроценилтиоамид унуми 55 % ни ташкил этди. Бу модданинг ИК спектроскопия усулида таҳлил қилинганда 1110 см^{-1} да нурнинг ютилганлиги ферроцен қолдиғида алмашинган циклопентадиенил халқа борлигидан далолат беради. Спектрдаги 1461 см^{-1} да ютилиши чизиғи деформацион тебранишли OH^- гуруҳ, 3103 см^{-1} да валент тебранишли $-\text{NH}-$ гуруҳлар мавжудлигидан далолат беради.

1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроценилтиоамид масс-спектрометрия методи ёрдамида анализ қилинди. 395 m/z , 306 m/z , 305 m/z , 288 m/z , 184 m/z , 121 m/z , да функционал гуруҳлар чўкки берганлиги кузатилди.



7-расм. 1'-(3-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроценилтиоамид масс-спектри.

***n*-Ферроценил бензой кислотасининг тиомочевина билан ҳосилалари.** Реакция қуйидаги схема асосида амалга оширилди.




Юқорида таъкидлаб ўтилган квант-кимёвий ҳисоблаш методидан фойдаланган ҳолда, *n*-ферроценилбензой кислота ва тиомочевина орасидаги диазотирлаш реакцияси маҳсулотининг тузилишини энергетик жиҳатдан асослаш натижалари келтирилган. Адабиётларда *m*-ферроценилбензой кислотанинг тиомочевина билан диазотирлаш реакцияси ва маҳсулоти – диалмашинган ҳосиланинг тузилиши келтирилган.


Амигдалинни хром(III), темир(III), мис(II), кобальт(II) ионлари билан комплекс бирикмалари. Муаллифлар томонидан амигдалиннинг Se(IV), Au(III), Ru(III) ва V(III) ионлари билан комплекс бирикмалари синтез қилинган. Синтез қилинган комплексларнинг тузилиши ва таркиби ЯМР, ИҚ спектроскопия, масс-спектрометрия, аналитик ва термик усуллар ёрдамида ўрганилган.

Биз амигдалиннинг Cr(III), Fe(III), Cu(II) ва Co(II) ионлари билан комплекс бирикмаларини синтез қилишга эришдик. Синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши ва хоссаларини ИҚ спектроскопия, масс-спектрометрия, квант кимёвий ҳисоблашлар ҳамда айрим физик-кимёвий усуллар асосида ўргандик.

Амигдалинни хром иони билан комплекси. Амигдалиннинг Cr(III) иони билан ҳосил қилган комплекс бирикмаси қуйидаги тузилишга эга бўлиб, унинг ранги тўқ яшил тусга эга.




Олинган маҳсулот унуми - 93 % (амигдалинга нисбатан) ни ташкил этиб, унинг суюқланиш харорати $T_{\text{суюқ}}=202\text{ }^{\circ}\text{C}$ га тенг эканлиги SMP10 асбоби ёрдамида аниқланди. Комплекс бирикманинг тузилиши ИҚ-Фурье спектрофотометр Perkin Elmer Spectrum (Версия 10.4.2) (Германия) асбоби ёрдамида ИҚ спектри олиниб таҳлил қилинганда 3138 см^{-1} да (-ОН гуруҳ), 1654 см^{-1} да (C=C гуруҳ), 1402 см^{-1} да (C=O), 1150 см^{-1} да (C=O), 573 см^{-1} да (Me-O) гуруҳларининг ютилиш чизиклари мавжудлиги кузатилди.



8-расм. Амгдалинни хром иони билан ҳосил қилган комплекс бирикмасининг ИҚ- спектри.

Амгдалиннинг хром иони билан комплексини ^{13}C ЯМР спектрал таҳлиллари. Аччиқ бодомдан ажратиб олинган амгдалиннинг ^{13}C ЯМР спектри ўрганилди: 6 = 61.384 (C-7'), 68.920 (CH-CN), 69.963 (C-7), 70.568 (C-5'), 73.519 (C-5), 73.994 (C-3), 74.645 (C-3'), 76.529 (C-6), 77.427 (C-4'), 77.554 (C-6'), 77.663 (C-4), 102.118 (C-2), 103.478 (C-2'), 119.201 (CN), 128.419 (Ar-орто), 130.011 (Ar-мета), 131.141 (Ar-пара) va 133.115 (Ar-C-CHCN). Cr (III) ионлари билан комплекс бирикмаси учун кимёвий силжишлар: 6=61.373(C-7'), 68.922 (CH-COO), 69.968 (C-7), 70.574 (C-5'), 73.516 (C-5), 74.641 (C-3), 76.244 (C-3'), 76.519 (C-6), 76.809 (C-4'), 77.495 (C-6'), 77.50 (C-4), 102.109 (C-2), 103.470 (C-2'), 119.214 (CN), 128.404 (Ar-орто), 130.002 (Ar-мета), 131.129 (Ar-пара), 133,112 (Ar-C-CHCN). ^{13}C ЯМР спектрида амгдалиннинг 18 та углерод атомлари учун сигналлар намоён бўлди. Ушбу сигналларнинг барчаси Cr (III) ионлари билан комплекс бирикмасида ҳам кузатилди. Cr (III) ионлари билан амгдалин комплексида C-7', C-6', C-5', C-5, C-4', C-4, C-3', C-3, C-2' va C-2 сигналларида амгдалин спектридаги ўхшаш сигналларга нисбатан жуда кичик силжишлар кузатилди.

Khojimatov_XM-2
13C_D2O+acetone_07092021_600MHz



9-расм. Амгдалиннинг хром иони билан комплексини ^{13}C ЯМР спектри.

Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини лабораторияда ўрганиш. Андижон давлат университети “Товарлар кимёси” илмий тадқиқот лабораториясида ферроцен ва амигдалин ҳамда уларнинг ҳосилалари асосида биостимуляторларни янги авлодини яратиш мақсадида олиб бораётган тадқиқотларимиз натижасида ферроцен ва амигдалин асосида бир қатор биологик фаол бирикмаларини синтез қилишга эришдик. Синтез қилинган бирикмаларни янги биостимулятор сифатида чигитни униб чиқиш жараёнида бир неча тажрибалар асосида синаб кўрилди ҳамда амалиётга жорий этилди. Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги Калининвич усули ёрдамида аниқланди. Ўсимлик уруғи солинадиган петри косачалар рақамланди ва уларнинг ичига фильтр қоғоз солинди. Унинг устига сараланган уруғлар бир текисда териб қўйилди. Сўнгра текшириляётган препаратнинг олдиндан тайёрланган 0.1, 0.01, 0.001 % концентрациядаги тенг ҳажмдаги эритмалари солинган уруғлар устига қўйилди. Назорат тажриба учун дистилланган сув, эталон сифатида эса кенг қўлланиляётган биологик фаол моддалар МИВАЛ эритмасидан фойдаланилди. Ҳар бир синов тажрибаси камида иккита параллел тарзда, ёнма-ён жойланган косачаларда ўтказилди ва ўртача натижа олинди. Бир суткадан кейин ҳар куни бир хил вақтда уруғлар дистилланган сув билан намлаб турилди. Текшириш етти кунгача давом этди. Униб чиққан уруғларнинг сони экилган кундан 3 кун ўтказиб униш энергиясини аниқлаш учун, 5 кундан кейин эса - унувчанликни аниқлаш учун саналди.

Янги синтез қилинган моддаларнинг биологик фаоллигини қиёсий ўрганиш учун тажрибаларда пахтачиликда ишлатиб келинаётган С-6524, Андижон-35, Султон ғўза навлари чигитидан фойдаланилди. Таққослаш учун эталон сифатида юқори биостимуляторлик хусусиятига эга бўлган Россияда ишлаб чиқилган “МИВАЛ” препаратидан фойдаланилди. Назорат учун эса дистилланган сув ишлатилди. Ҳар бир тажриба учун 100 донадан чигит олинди. Ферроцен ва амигдалин асосида олинган биостимуляторда ивигилган чигитларнинг унувчанлик даражаси сувда ивигилган чигитларни унувчанлигига нисбатан бир неча фоиз юқори бўлди. Натижаларни қуйидаги жадвал асосида кўриш мумкин.

4-жадвал

Синтез қилинган айрим биостимуляторларнинг сувли эритмаларида ивигилган чигит унувчанлигини таққослаш

№	Препарат номи	Концен трацияси	Тажриба ўтказилган сана				
			10.02. 2018	11.02. 2018	12.02. 2018	13.02. 2018	14.02. 2018
1	АДУМАХ	0.01	10	30	58	76	90
		0.001	13	36	60	78	97
2	Фер-АХ	0.01	8	29	37	55	80
		0.001	9	30	39	58	82
3	МИВАЛ (эталон)	0.01	9	25	42	64	78
		0.001	10	26	45	68	86
4	Сув (назорат)	-	5	17	46	52	70

